

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

216 «Божхона юк декларацияларига тузатиш киритиш, қайта расмийлаштириш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2143-3

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Раис

3. ДУСАНОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 14 апрель,
01-02/15-22-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил
14 апрелдаги 01-02/15-22-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2010 йил 19 августдаги 01-02/15-17-сон «Божхона юк декларацияларига тузатиш киритиш, қайта расмийлаштириш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2143, 2010 йил 24 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 38-сон, 339-модда);

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2012 йил 26 июндаги 01-02/15-9-сон «Божхона юк декларацияларига тузатиш кири-

тиш, қайта расмийлаштириш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2143-1, 2012 йил 17 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 342-модда);

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 8 февралдаги 01-02/15-17-сон «Божхона юк декларацияларига тузатиш киритиш, қайта расмийлаштириш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2143-2, 2013 йил 11 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 11-сон, 146-модда).